**Автомобиль транспортида йўловчиларнинг ташиш, махсус ва сайёхлик автотранспорт хизматини кўрсатиш буйича хизмат таннархи, хамда хизмат хақини тўлаб бериш хақида тузилган ўзаро келишув**

# Ш А Р Т Н О М А С И

**Наманган шахар** **№ АТ 10/01** **« 12 » ОКТИЯБР 2022 йил**

**«RAYYON MAX»** хусусий корхонаси кейинги ўринларда «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» деб аталади, «Низом» асосида иш кўрадиган жамияти директори **Б. Жамалиддинов** бир томондан, «Низом» асосида иш кўрадиган Тўрақўрғон и.э.с қурилиш директори у.ч. рахбари Б.Т. Собиров орқали иккинчи томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади мазкур шартномани қуйидагилар хақида тузилди:

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. **«ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ»** «Буюртмачи» талабига асосан белгиланган тартибда керакли русумдаги автотранспорт воситасини ажратади. «Буюртмачи» эса ажратилган йўловчи ташиш автотранспортидан максадга мувофик фойдаланиб, ушбу шартномага асосан кўрсатилган транспортлар хақини тўлайди. Шартноманинг умумий киймати **69 900 000** сўм бўлиб томонлар келишувига кўра шартнома кийматидан ортиқ ёки кам хизмат кўрсатилган такдирда ушбу шартнома шартларига тўла амал киладилар.

1.2. Автотранспорт хизмат кўрсатиш нархи илова қилинган тижират таклифи асосида.

«Буюртмачи» эхтиёжига кўра шартномадагидан ортиқ ёки кам микдорда хизмат кўрсатилган такдирда ўзаро хисоб-китобларни амалда бажарилган хизматлар буйича амалга оширади.

## 2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1 «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» ўз зиммасига куйидаги мажбуриятни олади: «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» «Буюртмачи» билан келишган йўналиш (объект) буйича йўловчиларни ташиш учун керакли русумдаги техник соз автомобилни хайдовчиси билан ажратади.

2.2 «Буюртмачи» ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади.

2.3 «Буюртмачи» ишлари учун белгиланган иш тартибига мувофик ишлаган машина соатлари шу жумладан, автомобилни турар жойидан (гараждан) чиккан ва кирган вақти учун шартномавий тарифларга асосан автохизмат хаккини тўлаш. Бундан 0,5 соатгача бўлган вакт 0,5 вактга тенг деб ва ундан катта вакт 1,0 соатга тенг деб қабул килинади. Шу билан бир қаторда “О” пробег, яъни «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» манзилидан токи буюртмачининг манзилигача ва буюртмачи манзилидан токи «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» манзилигача бўлган масофа учун хақ тўлайди.

2.4 Автотранспорт хизмат кўрсатиш вақтини илова қилинган тижират таклифи асосида.

2.5. Автотранспортдан келишилган иш тартибига мувофик максадли фойдаланиш. Автотранспортлар харакатини кеч соат 22-00 дан токи 06-00 гача тақиқлаш. Об-хаво ва йўл шароитларини эътиборга олган холда харакатланиш яъни автотранспортдан тўғри фойдаланиш.

2.6. Автотранспортдан фойдаланганлик учун топшириқлар, автомобилнинг амалдаги етказиб берилган вакти хайдовчиларнинг тушлик вакти, иш тамом бўлиш вакти ва автомобил спидометри кўрсаткичлари хакида ёзувларини тўла бўлишини таъминлаши, хар бир топшириқ хужжатига масъул шахс имзоси ва «Буюртмачи» мухри(штамп) билан тасдиқлаши.

2.7. Хайдовчининг кутиш ва дам олиши учун хоналар, шунингдек автомобилнинг тўхтаб туриши учун хавфсиз жой ва ёнгин хавфсизлиги талабларига, ички мехнат тартиби қоидаларига мувофик тушлик танаффусга вакт ажратиши.

2.8 Хайдовчилар транспорт билан бирга хизмат сафарида булган холларда хайдовчининг турар жойи ва автотранспортни кўриқлашни таъминлаш. Хизмат сафари учун белгиланган меъёрлар буйича суткалик, ижара хақи ва хизмат сафарлари билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлашни зиммасига олиш, хизмат сафарида бўлган хар иш сменаси учун «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» га кўшимча хақ тўлаш.

2.9. Кўрсатиладиган автотранспорт хизмати учун келишилган нарх асосида автотранпорт хизматини тўла суммасини ёки камида 30 % ни олдиндан ўтказиб беради.

2.10. Автотранпорт хизматидан фойдаланувчи саёхат даврида йўловчилари билан автобусдан тўғри фойдаланиш кўча ва йўл харакат қоидалари хамда ёнгин ва хавфсизлик техникаси тўғрисида йўрикнома ўтказиш.

2.11. Оммавий ташишларда, хамда болаларни ташишда албатта ЙХХТБ ходимлари кузатувида амалга ошириш.

2.12. Ортиқча йўловчи ташишга(перегруз)га йўл қўймаслик.

## 3. ТОМОНЛАР ХУҚУҚЛАРИ

3.1 «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» куйидаги хукукларга эга:

Буюртмачи томонидан автотранспортдан белги.ланган максадда фойдаланмаганлиги ёки шахсий максадларда фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килишга, ёки буюртма бериб, автотранспорт буюртмачи манзилига боргандан сўнг буюртмани уни фойдаланмай бекор килса, шу кунги авторанспорт хизмати суммасидан 30% миқдорида жарима тўлашини талаб қилишга.

ЁММ, эхтиёт қисмлар ва бошка моддий ресурсларни таннархини кўтарилиши, қимматланиши натижаси билан боғлик ўзгартиришлар шартномавий таърифларга давлат қарорларига асосан нарх наво ўзгарганда икки томонлама келишувга асосан ўзгартириш киритишга.

3.1.1.Шартномадаги хизматлар тўла бажарилгандан сўнг хизмат учун тўлов тўланмаганда ёки қисман тўланганда қолган суммани кунлик 0% миқдорида пенялар ундирилмайди.

3.2 "Буюртмачи"куйидаги хукукларга эга:

-автомобилларни техник соз ва санитария меъёрлари талабларига мувофик холатда ўз вақтида етказиб беришининг талаб қилишга;

-автомобил техник носоз бўлган холда уни ўз вактида соз автомобилга алмаштиришни талаб қилишга.

-хайдовчи иш тартибини мехнат интизомини бузган такдирда хайдовчини алмаштиришни талаб қилиб «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» ни (энг камида 24 соат олдин). хабардор этишга

-бажарувчи томонидан шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган хажмдаги авторанспорт хизмати тўла ва сифатли бажарилишини талаб қилишига.

-буюртмачи хизмат кўрсатиш даврида хохлаган вақтида «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ»нинг иш фаолиятига аралашмаган холда иш сифатини текшириш хуқуқига, текшириш жараёнида буюртмачи «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» нинг хизмат фаолиятидан қониқмаган тақдирда ёзма равишда камчиликларни кўрсатиб шартномани бекор қилишга.

## 4. ХИСОБ-КИТОБЛАР

4.1 Автотранспортларни хизмати учун тўлов барча харажатларни хисобга олган холда келишилган тартибда тўланади

4.2 Шартномавий тарифлар шунингдек, белгиланган тартибда расмийлаштирилган маъсул шахс имзоси, хисоб-китоб варақаси(счет-фактура) ўзаро хисоб китоблар учун асос бўлиб хисобланади.

4.4 Томонлар камида хар чоракда ўзаро солиштирма далолатнома тузиб, уни тасдиклатиб бериши шарт.

4.5 Ўзаро хакдорлик тўғрисида томонлар ўртасида тузилган солиштирув далолатномасига асосан «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» "Буюртмачи"ни хизмат кўрсатувчи банк муассасидаги хисоб рақамига инкасса қўйиш билан ёки хўжалик суди орқали ундириб олиши мумкин.

4.6 Шартномага амал килиш мобайнида томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари оқибатида иккинчи томонга етказилган барча турдаги зарарларни тасдиқланган хужжатлар асосида тўлайдилар.

## 5. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК

5.1 Пул тўлашга қодир бўлмаган ва молиявий ночор бўлган холларда"Буюртмачи" мавжуд карзини конунларда белгиганган тартибда ўз мулки хисобидан коплайди;

5.2 Тарафлар томонидан ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик меъёрлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига асосан белгиланади.

## 6. ФОРС - МАЖОР

6.1 Форс-мажор вазиятлари (сув тошкини, зилзила, ёнгин, пахта, оммавий ташув ва бошка табиий офат, ходисалар) руй берган холларда томонлар мажбуриятлари кисман ёки тўла бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади. Форс-мажор вазиятлари вужудга келган холларда томонлар бир бирларини хабардор килиши керак.

## 7. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ТАРТИБИ

7.1 Мазкур шартномани бажариш вактида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни музокара оркали хал килинади. Битимга келиша олмаган холларда Қонунчиликда белгилаган тартибда Суд оркали хал қилинади.

## 8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб. кучга киради.

8.2 Шартонома 2023 йил 28 ФЕВРАЛгача амал қилади.

8.3 Шартнома хар бир томонга биттадан икки нусха бўлиб, хар бири бир хил юридик кучга тенг хисобланади..

8.4 Томонлар келишувига кўра ушбу шартномага ўзгартиришлар киритмоқчи ёки бекор қилмоқчи бўлсалар хамда хизмат кўрсатиш мобайнида ушбу шартнома шартларига тааллуқли давлат қонунлари, қарорлари, кўрсатмалари, буйруқлари чиқарилса ёки ўзгартирилса томонлар хизмат бошланмасдан 3 иш куни олдин ёзма хат орқали бир-бирларини хабардор қиладилар.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ

**«ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ»**

**« RAYYON MAX » Х/К**

**Манзил: Наманган шахар Оромгох кўчаси 32 уй.**

**Х/Р 20208000605379584001**

**Банк : INFINBANK» АТВ Наманган филиали**

**МФО 01113 ОКЕД49410**

**ИНН 308421214**

**+99 891 343 05 05 +99 869 234 33 00**

**Рахбар:**_____________________ **Б. Жамалиддинов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN SHAHAR XUSUSIY KORXONASI RAYYON MAX

**««БУЮРТМАЧИ»**

Туракурғон И.Э.С Ҳ.Д Ч.К

**Манзили:** Туракурғон Т. Янгиобод

**Х/р:** 20210000100217089001

**Банк** Саноат Қурилиш банк

**МФО** 00440 **ОКОНХ** ____________

**ИНН:** 302584084

**Рахбар:** ____________

YURIDIK XULOSA
Ushbu shartnoma (kontrakt) O'z. Res. "Fuqarolik Kodeksi va Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun talablari bilan tartibga keltirilgan. To'lov tartibi va shartnomalari, nizomlari hal qilishdagi tomonlar javobgarligining me'yori amaldagi qonunlar talablariga javob beradi. Yuqoridagilarga asosan, ushbu tuzilayotgan shartnoma (kontrakt) keyinchalik imzolash... o'z majburiyatlarini ijro etishlari uchun tavsiya etiladi.
1-Darajali Yurist ________ "____" ________ 20____ y.